

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ МИРЖАМОЛ МИРКАМИЛОВИЧ

ТАҚСИМЛАНГАН БУЛУТЛИ МАЪЛУМОТ МАРКАЗИНИНГ
ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА
РЕСУРСЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МОДЕЛ
ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Абдуллаев Миржамол Миркамилович

Тақсимланган булутли маълумот марказининг инфратузилмасини шакллантириш
ҳамда ресурсларини тақдим этиш модел ва алгоритмлари..... 3

Абдуллаев Миржамол Миркамилович

Моделли и алгоритми формироваия инфраструктури облачного дата центра с
распределенной структурой и представления ее ресурсов 21

Abdullaev Mirjamol Mirkamilovich

Models and algorithms for forming the infrastructure of a cloud data center with a distri-
buted structure and representing its resources..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ МИРЖАМОЛ МИРКАМИЛОВИЧ

ТАҚСИМЛАНГАН БУЛУТЛИ МАЪЛУМОТ МАРКАЗИНИНГ
ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА
РЕСУРСЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МОДЕЛ
ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2392 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Хужаматов Халимжон Эргашевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Расмий оппонентлар: Сагатов Мирозиз Варисович
техника фанлари доктори (DSc), профессор

Парсиев Саидахат Солиходжаевич
техника фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02. Илмий кенгашнинг 2022 йил "8" июль соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.) Тел: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (245 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-64-44).

Диссертация автореферати 2022 йил "22" июнь да тарқатилди.
(2022 йил "25" июнь даги 4 рақамли реестр баённомаси)



Б.Ш. Махкамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Э.Ш. Назирова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.М. Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инфокоммуникация ва булутли ҳисоблаш технологияларининг жадал суръатларда ривожланиб бориши, географик жиҳатдан турли нуқталарда жойлашган маълумотларни қайта ишлаш марказларининг ҳисоблаш ва хотира ресурсларини самарали тақсимлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан тақсимланган булутли маълумот қайта ишлаш марказининг тармоқ тузилмасини шакллантириш, жисмоний қувватлари асосида ахборот ҳамда виртуал ҳисоблаш ресурсларини жойлаштириш, уларни сўров талабига мувофиқ тармоқ шароитида марказлашган ҳолда тақдим этиш усулларини, дастурий таъминоти ва техник воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Ҳиндистон, Канада ва Россия Федерацияси каби дунёнинг ривожланган мамлакатларида тақсимланган булутли маълумот марказининг инфратузилмасини шакллантириш ҳамда ресурсларини тақдим этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳон телекоммуникация тармоқларида узатиладиган ва қайта ишланадиган ахборотларни кечикиш вақтини камайтиришга қаратилган модел, усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан тақсимланган булутли маълумот марказининг дислокацияланган ресурсларини марказлашган бошқарув механизмли тақдим этиш моделини, граф назарияси орқали дастурий конфигурацияланадиган тармоғининг топологик структурасини яратиш усулини ҳамда ахборот ресурсларини репликациялаш орқали хотира майдонларига маълумотларни тақсимлаш алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга тақсимланган булутли маълумот маркази ресурсларини олдиндан тақдим этиш орқали фойдаланувчи сўровларига самарали хизмат кўрсатиш алгоритм ва дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланмоқда.

Республикамизда маълумотларни қайта ишлаш марказлари ишлаш самардорлигини ошириш, сўровларни маълумот марказларида бўлиш вақтини камайтириш бўйича янги ёндашувлар, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларининг воситаларида ҳар хил турдаги ва катта ҳажмдаги ахборотларни сақлаш, юқори тезликда ҳамда белгиланган сифат даражасида қайта ишлаш, сақлаш, узатиш йўналишларида кўплаб илмий-тадқиқотлар амалга оширилган ва ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 5 октябридаги ПФ-6079-сонли “«Рақамли Ўзбекистон—2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида «... катта маълумотларни таҳлил қилиш ва «булутли» ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш...»¹ вазифалари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “«Рақамли Ўзбекистон—2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони

белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан тақсимланган булутли маълумот марказининг автоном булутли маълумот марказларида ҳар хил турдаги ва ҳажмдаги ахборотларни, белгиланган сифат даражасида қайта ишлаш ҳамда унинг телекоммуникация тармоғида узатиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699 «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV.«Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Тақсимланган булутли маълумот марказининг маълумот сақлаш инфратузилмаси фойдаланувчиларга турли даражадаги маълумот сақлаш ва тақдим этиш хизматларини қўллаб-қувватлайди ва географик жиҳатдан дислокацияланган маълумот сақлаш тизимининг янги архитектурасини шакллантиради. Кўпгина тадқиқотлар булутли маълумот қайта ишлаш ва сақлаш марказининг инфраструктурасини яратиш, унинг самарадорлигини белгилайдиган кўрсаткичларини ўрганишга бағишланган бўлиб, ресурсларини шакллантириш, самарали фойдаланиш ҳамда функционаллигини характерловчи параметрларини тадқиқ этиш ва баҳолаш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотчи олимлар А.С.Таненбаум², А.В.Бобченков³, А.И.Воробьёв⁴, А.С.Ворожцов, Н.В.Тутова⁵, В.И.Волчихин⁶, J.Fortes⁷, Т.Н.Нишанбаев⁸,

² Tanenbaum A.S. Distributed Systems // 3rd edition. Version 3.02. — CreateSpace Independent Publishing Platform, 2017. — 596 p.

³ Бобченков А.В. Разработка модели и методов управления ресурсами в виртуальных организациях распределенных вычислительных сред // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. Специальность: 05.13.15 - Вычислительные машины, комплексы и компьютерные сети. Москва, 2011.

⁴ Воробьёв А. И. Модели и методы повышения эффективности предоставления информационных услуг в центрах обработки данных // Специальность: 05.13.01 – системный анализ, управление и обработка информации (технические системы). Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук. Санкт-Петербург – 2012.

⁵ Ворожцов А.С., Тутова Н.В., Тутов А.В. Оценка производительности облачных центров обработки данных //Т-Comm: Телекоммуникации и транспорт. – 2014. –№5. – С.69-71.

⁶ Волчихин В. И., Зинкин С. А., Карамышева Н. С. Организация функционирования облачно-сетевых распределенных вычислительных систем с архитектурой «агенты как сервисы» Известия высших учебных

У.Б.Амирсайдов, Н.Б.Усманова⁹, Х.Э.Хужаматов¹⁰ ва бошқаларнинг илмий ишларида тақсимланган тизим ҳамда маълумот қайта ишлаш марказларининг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг турли жиҳатлари кўриб чиқилган, ресурсларини бошқариш ва тақдим этиш жараёнларини таҳлиллаш ҳамда баҳолашнинг усул, моделлари таклиф этилган.

Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тақсимланган инфраструктурали маълумот қайта ишлаш ва сақлаш марказининг тармоқ тузилмасини шакллантириш, жисмоний қувватлари асосида ахборот ҳамда виртуал ҳисоблаш ресурсларини шакллантириш ва жойлаштириш, уларни сўров талабига мувофиқ тармоқ шароитида марказлашган ҳолда тақдим этиш масалалари ва бошқа муаммолар пайдо бўлиши, уларни ҳисобга олган ҳолда тақсимланган булутли маълумот марказларнинг самарадорлигини белгилайдиган сифат кўрсаткичларини яхшилаш, янги усул, модел ва алгоритмларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф-484-14-сон «Кейинги авлод тармоқлари ресурсларини сервисга йўналтирилган архитектура услублари асосида тақдим этилишининг усулини ишлаб чиқиш» (2014-2015), №Ф-635-16-сон «Дастурий конфигурацияланадиган тармоғи негизидаги булутли маълумот қайта ишлаш марказларини моделлаштириш ва оптималлаштириш масалалари ечимини бажариш» (2016-2017), №А-5-018-сон «Мураккаб структурали тақсимланган тизимнинг дислокацияланган ресурсларини сервисга йўналтирилган архитектура негизида оптимал тақдим этилишининг моделини яратиш ва тадқиқ этиш» (2016-2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тақсимланган булутли маълумот маркази самарадорлигини ошириш имконини берувчи инфратузилмани шакллантириш ҳамда ресурсларни тақдим этиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш.

заведений. Поволжский регион. Технические науки. – 2019. – № 4 (52). – С. 27–50. – DOI 10.21685/2072-3059-2019-4-3.

⁷ Xu J., Fortes J. Multi-objective Virtual Machine Placement in Virtualized Data Center Environments. Proceedings of the Green Computing and Communications (GreenCom), 2010 IEEE/ACM Int'l Conference on & Int'l Conference on Cyber, Physical and Social Computing (CPSCom), Hangzhou, 18–20 December 2010. IEEE, 2010. Pp. 179–188.

⁸ Нишанбаев Т.Н. Метод размещения облачных серверов в Cloud-дата центре с распределенной структурой // “Ахбороткоммуникациялар: тармоқлар, технологиялар, ечимлар” журнали. -№4(44). Тошкент-2017. -С.28-33. ISSN 2010-510X.

⁹ Амирсайдов У.Б., Усманова Н.Б. Облачная инфраструктура инфокоммуникационной сети: особенности моделирования. Вестник науки и образования, № 4(28) 2017.

¹⁰ Khujamatov Kh.E., Abdullayev M.M. Conceptual Model of Distributed Resources of a Cloud Data Center Based on a Software-Defined Network // “International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology”. Vol. 8, Issue 11, November 2021. -P. 18498-18504

Тадқиқотнинг вазифалари:

тақсимланган булутли маълумот марказини шакллантириш жараёнини ва моделини таҳлил қилиш;

тақсимланган булутли маълумот маркази дастурий конфигурацияланадиган телекоммуникация тармоғининг топологик тузилмасини шакллантириш усулини ишлаб чиқиш;

тақсимланган булутли маълумот маркази виртуал ҳисоблаш ҳамда ахборот ресурсларни шакллантириш, хотира майдонларига жойлаштириш усул ва алгоритмларини яратиш;

тақсимланган булутли маълумот маркази ҳисоблаш ва ахборот ресурсларини тақдим этилишини таъминлайдиган дастурий таъминот ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тақсимланган булутли маълумот қайта ишлаш ва сақлаш маркази олинган.

Тадқиқотнинг предметини тақсимланган булутли маълумот маркази компоненталари ва ресурсларни бошқариш, тақсимлаш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари граф, оммавий хизмат кўрсатиш, оқимларни тақсимлаш назарияси, математик моделлаштириш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тақсимланган булутли маълумот марказининг дислокацияланган ресурсларини марказлашган бошқарув механизмлари тақдим этиш модели ишлаб чиқилган;

граф назарияси орқали тақсимланган булутли маълумот маркази дастурий конфигурацияланадиган тармоғининг топологик структурасини яратиш усул ишлаб чиқилган;

тақсимланган булутли маълумот марказининг ахборот ресурсларини репликациялаш орқали хотира майдонларига маълумотларни тақсимлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

тақсимланган булутли маълумот маркази ресурсларини олдиндан тақдим этиш орқали фойдаланувчи сўровларига самарали хизмат кўрсатиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тақсимланган булутли маълумот марказининг инфраструктурасини шакллантириш, турли қувват ва турдаги жисмоний ресурсларининг сўровлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш модели ишлаб чиқилган;

тақсимланган булутли маълумот маркази телекоммуникация тузилмасини дастурий конфигурацияланадиган тармоғи топологик структураси ишлаб чиқилган;

тақсимланган булутли маълумот марказининг виртуал ҳисоблаш ресурсларини шакллантириш ва сервер компьютерларига жойлаштириш, ахборот ресурсларини репликациялаш асосида хотира дисklarига ўрнатиш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

тақсимланган булутли маълумот маркази сўрови оқимларини дастурий конфигурацияланадиган тармоғи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш дастурий таъминотлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тақсимланган булутли маълумот марказининг инфратузилмасини математик дастурлаш усуллари негизида шакллантириш модели, унинг телекоммуникация тармоғи топологик схемасини граф назариясининг доминант тўпламлар ва P-медиана бўлимлари асосида яратиш усули, чекланган қувватлардаги виртуал ҳисоблаш ресурсларини шакллантириш, уларни ҳар хил нуқталардаги сервер компьютерларига жойлаштириш, ахборот ресурсларини репликациялаш асосида хотира дисklarига ўрнатиш масалалари математиканинг тегишли бўлимларига асосланиб бажарилганлиги, сўровларни оқимларни сақланиш қонуни асосида тақсимланган булутли маълумот маркази ресурслари орасида тақсимлаш бўйича яратилган алгоритмлари ва дастурий таъминотлари, олинган натижаларнинг таҳлили билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дастурий конфигурацияланадиган тармоғи ёрдамида тарқоқ ҳолдаги булутли маълумот маркази тузилмасини яратиш, ҳисоблаш ва ахборот ресурсларини шакллантириш ва жойлаштириш, тармоқ ва тақсимланган булутли маълумот маркази компоненталарининг юкланганлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда сўровларни оқимларни сақланиш қонуни негизида тақсимлаш бўйича яратилган модель, усул ва алгоритмлар тақсимланган булутли маълумот маркази инфраструктурасини тизимли тадқиқ этишга имкон яратиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тақсимланган булутли маълумот маркази телекоммуникация тармоғи тузилмасини дастурий конфигурацияланадиган тармоғи асосида такомиллаштириш, тарқоқ ҳолдаги виртуал ҳисоблаш ва ахборот ресурсларини дастурий конфигурацияланадиган тармоғи ёрдамида бирлаштирилиши ва фойдаланувчи сўровларини тақсимланган булутли маълумот маркази компоненталар орасида марказлашган ҳолда тақсимлаш жараёнларини ташкил этиш имкони яратилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тақсимланган булутли маълумот марказининг инфратузилмасини шакллантириш ҳамда ресурсларини тақдим этиш модел ва алгоритмлари бўйича олинган натижалари асосида:

граф назарияси орқали тақсимланган булутли маълумот маркази дастурий конфигурацияланадиган тармоғининг топологик структурасини яратиш ва тақсимланган булутли маълумот марказининг ахборот ресурсларини репликациялаш орқали хотира майдонларига маълумотларни тақсимлаш усул ва алгоритмлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «Ўзбектелеком» АК Хоразм филиалига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 23 сентябрдаги 33-8/6679-сон маълумотномаси).

Илмий тадқиқот натижасида тармоқ ичида маълумот узатиш тезлиги 11-12 % гача ошириш имконини берган;

тақсимланган булутли маълумот марказининг дислокацияланган ресурсларини марказлашган бошқарув механизми тақдим этиш модели ҳамда тақсимланган булутли маълумот маркази ресурсларини олдиндан тақдим этиш орқали фойдаланувчи сўровларига самарали хизмат кўрсатиш алгоритми Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «ЎзТТБРМ» ДУК га жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 23 сентябрдаги 33-8/6679-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида фойдаланувчиларнинг сўровларини тақсимланган булутли маълумот марказида бўлиш вақтини 9-11 % гача камайтириш имконини берган;

тақсимланган булутли маълумот маркази ресурсларини олдиндан тақдим этиш орқали фойдаланувчи сўровларига самарали хизмат кўрсатиш дастурий таъминотлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «New Line Solutions» МЧЖ га жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 23 сентябрдаги 33-8/6679-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини 10-11 % гача оширган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 9 та халқаро конференция ва 9 та Республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтган.

Тадқиқотлар натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотлар мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар, улардан 8 та мақолалар Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 2 та хорижий, 6 та республика миқёсидаги журналларда чоп этилган ва 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, нашр этилган ишлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Тақсимланган булутли тизим ресурслари тақдим этилишининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари**” деб номланган биринчи бобида, булутли тақсимланган тизим ресурслари тақдим этилишининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, булутли тақсимланган тизимнинг архитектуравий хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари, тақсимланган булутли маълумот қайта ишлаш ва сақлаш марказларининг (МҚСИМ) инфраструктурасини шакллантириш ва ресурсларини тақдим этиш йўналишидаги илмий ишлар, мавжуд усул ва моделлар кўриб чиқилган ва таҳлил натижалари келтирилган.

Ҳар хил нуқталарда дислокацияланган автоном булутли МҚСИМ ресурс ва хизматларини кенг доирадаги фойдаланувчиларга самарали тақдим этиш мақсадида уларни замонавий тармоқ воситалари ёрдамида боғлаб тақсимланган структурали ягона булутли маълумот қайта ишлаш маркази яратила бошланди. Тақсимланган булутли маълумот қайта ишлаш марказларининг асосий концепцияси жисмоний ресурслар даражасида тақсимлаш принципини ва мантиқий даражада марказлаштириш принципи қўлланилишини тақозо этади.

Тақсимланган булутли маълумот қайта ишлаш марказларининг масштаби ва ишлов бериладиган маълумотларининг ҳажми тобора ошиб бораётганлиги сабабли, уларнинг яратилиши ва ривожланиши қайтмас жараён ҳисобланиб, тақсимланган булутли маълумот маркази (ТБММ) яратиш муаммосига бағишланган изланишлар таҳлил натижалари асосида қуйидагича хулосалар қилинган:

1. Географик жиҳатдан дислокацияланган автоном булутли маълумот марказлари (АБММ) нинг ҳисоблаш, хотира ва бошқа ресурсларини телекоммуникация тармоқлари асосида бирлаштириб, виртуал ресурсларни ташкил қилиш, ягона марказлашган бошқарув тизими асосида, фойдаланувчиларга тақдим этиш муаммоларининг ечимларини ишлаб чиқиш орқага қайтмас жараён ҳисобланиб, олим ва мутахассислар томонидан янги усул ва моделлар ишлаб чиқиш борасида кенг доирада изланишлар олиб борилаётганлигини қайт этиш жоиз.

2. Ҳар хил “нуқта”ларда жойлашган АБММларнинг интеграциясини Интернет тармоғи негизида амалга оширилиши, қўзланган мақсадга олиб келмайди, чунки унинг алоқа каналлари бошқа турдаги маълумот оқимлари билан юкланган ва узатиш қобилияти маълумот қайта ишлаш тизимларининг тезлигидан бир мунча паст бўлади. Шу сабабли, ТБММ ини яратиш учун дастурий конфигурацияланадиган тармоғи (ДКТ) асосидаги юқори тезликдаги алоҳида маълумот узатиш тармоғи яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. ТБММ таркибидаги АБММларнинг жисмоний ресурслари негизида ҳар хил қувватга эга виртуал ресурсларни шакллантириш ва уларни ҳар хил “нуқта”лардаги сервер компьютерларига жойлаштириш жараёнларини оптималлаштириш масаласини ҳал қилиш.

4. ТБММ ресурсларини кенг доирадаги фойдаланувчиларга оптимал тақсимлаш масаласини ҳал қилиш. Бу йўналишда бир неча усуллар ишлаб

чиқилган, уларда фойдаланувчи сўровини марказ воситаларида бўлиш вақтини минималлаштириш моделлари таклиф этилган, ammo сўровларни телекоммуникация тармоғида узатиш учун кетадиган вақт ҳисобга олинмаган. Сўровни ТБММ да бўлиш вақти сўровни тармоқда узатиш ва ҳисоблаш ресурсида қайта ишлаш учун кетадиган вақтларнинг йиғиндисидан иборат бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ТБММнинг инфратузилмасини шакллантириш долзарблиги ва бунда унинг таркибий қисмларида сўровларга хизмат кўрсатиш вақтини тақсимланиши тизимнинг рационаллигини тавсифловчи параметрларга бевосита боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда мезон кўрсаткичи сифатида унинг маълум фаолиятидаги вақт оралиғи қийматини олиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган, яъни

$$D = F\{\sum[\{t_{\text{ДКТ}}\} + \{t_{\text{ср}}\}]\}, \quad (1)$$

бу ерда, $\{t_{\text{ДКТ}}\}$ – сўровни ДКТ воситаларида узатиш ва қайта ишлаш учун кетадиган вақтларининг ўртача қиймати; $\{t_{\text{ср}}\}$ – сўровни ТБММ виртуал ҳисоблаш ресурсларида қайта ишланиши учун сарфланадиган вақтларининг ўртача қиймати.

Диссертациянинг **“Тақсимланган булутли маълумот марказининг инфратузилмасини шакллантириш”** деб номланган иккинчи боби тақсимланган булутли маълумот маркази ресурсларини ДКТ тармоғи негизида тақдим этишнинг концептуал моделини яратиш ва ТБММ инфратузилмасини шакллантириш масаласини шакллантиришга бағишланган.

ТБММ ресурслари ва хизматлари тақдим этилишида қуйидаги компоненталар иштирок этадилар: булутли фойдаланувчи, ТБММнинг марказий бошқарув тизими, ТБММ ресурсларининг инфратузилмаси, телекоммуникация тармоғи воситалари. Умумий ҳолда ТБММ иннинг булутли муҳитини учта концептуал муҳит сатҳларидан иборат деган хулосага келиш мумкин: жисмоний ресурслар сатҳи, ТБММ ресурс ва хизматларини тақсимлаш ва тақдим этиш сатҳи. Келтирилган маълумотлар асосида кўп сатҳли тақсимланган булутли маълумот марказининг инфраструктурасининг ДКТ асосидаги концептуал модели 1-расм кўринишида тасвирланади.


ТБММи инфратузилмасинининг асосий хусусиятларини тавсифловчи концептуал модел бир нечта таркибий қисмлардан таркиб топади, яъни

$$ТБММ = \{ХР, БК, ТВ, МСТ\} \quad (2)$$

бу ерда, $ХР$ – дастурий конфигурацияланадиган тармоғининг тегишли коммутаторларига боғланган автоном булутли марказлар ҳисоблаш ресурсларининг тўплами; $БК$ – булут контроллери; $ТВ$ – ТБММ тармоғи топологик схемасида қўлланиладиган тармоқ воситаларининг тўплами; $МСТ$ – ТБММ сегментларидаги жисмоний ва виртуал машиналарга боғланган маълумот сақлаш тизимлари.

ДКТ тармоғида сўровларни узатиш ва қайта ишлаш жараёнлари бажарилишининг босқичлари батафсил ёритилган. Концептуал модель турли

ДҚТ тармоғида сўровларни узатиш ва қайта ишлаш жараёнлари бажарилишининг босқичлари батафсил ёритилган. Концептуал модель турли топологияга эга ТБММ ининг инфратузилмасини тавсифлаши мумкин.



1-расм. ТБММ нинг ДҚТ асосидаги концептуал модели.

ТБММнинг шакллантирилган навбатдаги инфратузилмаси асосида олинанин даромади тўртта ўзгарувчи параметрлар (телекоммуникация тармоғининг тузилмаси (w), виртуал машиналарнинг қувватлари ва уларни жисмоний компьютерларга жойлаштириш (k), ахборотларни хотира омборларига жойлаштириш (h) ва сўров оқимларини тақсимлаш вариантлари (f)) нинг қийматларига боғлиқ бўлади, яъни ТБММ инфратузилмасини оптимал шакллантириш учун 4 да келтирилган мезон кўрсаткичи тўртта ўзгарувчиларнинг функцияси ҳисобланади ва ТБММ инфратузилмасини оптимал синтез қилиш масаласи стационар ҳолатни белгилайдиган қуйидаги

$$C_{кан} < C_{кан}^m, \lambda_{ij} \leq \mu_{ij}, e_k \leq \mu_k \quad (3)$$

чекловлар бажарилганида тўртта дискрет параметрли каварик функциянинг қийматини максималлаштиришга келтирилади, яъни

$$D=f\{\vec{w}, \vec{k}, \vec{h}, \vec{f}\} \rightarrow \max$$

$$\vec{w} \in W, \vec{k} \in K, \vec{h} \in H, \vec{f} \in F, \quad (4)$$

бу ерда, $C_{кан}$ – ТБММ ДКТ асосидаги тармоқ тузилмасини яратишнинг капитал харажатлари; $C_{кан}^M$ – тармоқ яратиш учун ажратилган капитал маблағнинг максимал қиймати; λ_{ij} – ТБММ телекоммуникация тармоғи (i,j) коммутаторлари орасидаги алоқа каналида кўп манбаали оқимнинг интенсивлиги; μ_{ij} – ТБММ телекоммуникация тармоғи (i,j) коммутаторлари орасидаги алоқа каналида оқимларга хизмат кўрсатиш интенсивлиги; e_k – ТБММ k –маълумот қайта ишлаш тизимининг киришидаги сўровлар оқимининг интенсивлиги; μ_k – ТБММ k –маълумот қайта ишлаш тизимининг сўровларга хизмат кўрсатиш интенсивлиги.

Учинчи боб **“Таксимланган булутли маълумот маркази инфраструктурасини шакллантириш ва ресурсларини тақдим этиш усул ҳамда алгоритмларини ишлаб чиқиш”** да ТБММнинг ДКТ асосидаги тармоғининг топологик тузилмасини яратиш, виртуал ресурсларини шакллантириш ва жойлаштириш, ахборот ресурсларининг ишончилигини ошириш усул ва алгоритмлари ҳамда ТБММ ресурсларини марказий бошқарув тизими (МБТ) тизими асосида тақдим этиш жараёнлари ёритилади.

ТБММ телекоммуникация тармоғининг тузилмаси граф назариясига (доминант тўпламлар ва Р-медина бўлимлари) асосланган усул негизида яратилган. Графнинг медианавий нуктаси шундай нукта ҳисобланадики, бунда шу нуктада жойлашган чўққи билан бошқа нукталардаги чўққилар орасидаги масофаларнинг йиғиндиси минимал қийматга эга бўлади.

Барча автоном булутли маълумот марказлари ва фойдаланувчи терминаллариининг координаталари ҳамда ДКТ коммутаторлари жойлашиши мумкин бўлган (ҳукмрон) нукталар тўпламини юлдуз шаклидаги тузилишга эга бўлган йўналтирилмаган G графи X чўққиларининг умумий тўплами сифатида тасвирлаймиз. Натижада ТБММ тармоғининг таркиби ҳар бири X^M чўққига эга M юлдузсимон шаклдаги тармоқлардан иборат бўлади.

Агар X_p^M - G юлдузсимон графнинг чўққилар тўплами (p – m -чи юлдузсимон тармоқда коммутаторлар жойлаштирилиши мумкин бўлган нукталар сони) бўлса, унинг ўтказувчи сони (навбатдаги медианавий нукта ва бошқа чўққилар орасидаги масофаларнинг йиғиндиси) қуйидагича ифодаланади

$$\delta^M(X_p^M) = \sum_{X_i \in X^M} d(X_p^M, i) \quad (5)$$

ва X_p^M тўплам учун ифода

$$\delta^M\left(\overline{X_p^M}\right) = \min_{X_p^M \in X^M} \left[\delta^M(X_p^M, i) \right] \quad (6)$$

m сегментдаги юлдузсимон G^m графнинг P – медианаси ҳисобланади ва

у m -чи юлдузсимон тармоқда коммутаторни жойлаштириш учун изланаётган оптимал нуктага мос келади.

$d(X_p^M, i)$ - M сегментдаги юлдузсимон графнинг медиан чўққиси билан унинг i чўққиси орасидаги масофа.

Таклиф этилган усул батафсил ёритилган, унинг асосида ТБММ нинг ДКТ негизидаги K -боғламли топологик тузилмасини яратиш алгоритми ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги кўрсатиб берилган. Бунда дастлаб сегментларда юлдузсимон графлар билан биргаликда магистрал тармоқнинг бир боғламли тузилмаси ҳам яратилади, сўнг ТБММ телекоммуникация тармоғининг K -боғламли топологик тузилмаси шакллантирилади.

ТБММ инфратузилмасини шакллантиришдаги кейинги муҳим масала – бу автоном маълумот марказларининг физик ресурслари асосида виртуал ресурсларни яратиш, уларни ҳамда ахборот ресурсларни АБММларининг сервер компьютер ва хотира тизимларига жойлаштириш ҳисобланади.

Илмий ишда ТБММ жисмоний компьютерлари асосида p_k қувватга эга K виртуал серверларини яратиш қуйидагича амалга ошириш таклиф этилади.

1. ТБММ сервер компьютерларининг умумий қуввати P ҳисобланади

$$P = \sum_{s=1}^S \left(\sum_{h=1}^{H_s} p_h \right) \quad (7)$$

бу ерда, H_s – s сегментдаги жисмоний компьютерлар сони; p_h – s сегментдаги h жисмоний компьютернинг қуввати; $\sum_{h=1}^{H_s} p_h$ – s сегментдаги жисмоний компьютерлар қувватларининг йиғиндиси.

2. Фойдаланувчи сўровларининг хусусиятларини таҳлил қилиш асосида виртуал машина категорияларининг сони K аниқланади. Маълум бир k категорияли виртуал машинанинг сони бир нечта q_k бўлиши сабабли, ТБММ умумий ҳисоблаш ресурси қуйидагича ифодаланади

$$P = \sum_{k=1}^K (q_k p_k) \quad (8)$$

бу ерда, q_k – p_k қувватли виртуал машиналар сони.

3. Ҳар бир категориядаги виртуал машинанинг қуввати ва сони ҳисобланади. Дастлаб минимал қувватга эга виртуал машинанинг қуввати аниқланади.

$$p_{v,1} = \frac{P}{\sum_{s=1}^S H_s} \quad (9)$$

Яратилаётган виртуал машиналарнинг қувватлари минимал қувватдан бошлаб кўпайиши тартибда шакллантирилади, яъни $p_1 < p_2 < p_3 \dots p_k$. Бунинг учун қуйидаги тенглама тузилади:

$$P = n_1 p_{v,1} + n_2 (p_{v,1} + \Delta) + n_3 (p_{v,1} + 2\Delta) + \dots + n_k [p_{v,1} + (k-1)\Delta] \quad (10)$$

$n_k - k$ категорияли ВМ нинг сони, унинг қиймати тасодиф сонларнинг нормал тақсимооти негизида шакллантирилган 1-жадвал асосида аниқланади. Навбатдаги ВМнинг қуввати олдингисига Δ қўшилиши натижасида шаклланади, унинг қиймати (10) тенглама ечими натижасида аниқланади.


1- жадвал

К	1	2	3	...	K_{MK}	$K_{MK} + 1$	$K_{MK} + 2$...	К
n	2	3	4	...	n_m	$n_m - 1$	$n_m - 2$...	2

Жадвал натижалари 10-тенгламага қўйилади ва Δ нинг қиймати аниқланади. Категория ошган сари ВМ ларнинг қуввати Δ ошиб боради, лекин уларнинг сони K_{MK} га қадар ошиб боради кейин камаяди.

4. Категорияларда шакллантирилган ВМ лар ТБММ телекоммуникация тармоғи алоқа каналларининг ўтказиш қобилиятини ҳамда сегментлар жисмоний компьютерларининг қувватларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

ТБММ сегментларида ахборот сақлаш жараёнларининг ишончилигини таъминлаш ҳамда кенг миқёсдаги фойдаланувчиларга ахборот тақдим этиш самарадорлигини ошириш мақсадида уларни ТБММ хотира омборларига репликация усули негизида жойлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган (2-расмга қаранг).



2-расм. ТБММ хотира омборларига репликация усули негизида жойлаштириш алгоритми

ТБММ хотира омборларига репликация усули негизда жойлаштириш алгоритми ишлаб тартиби куйдагича.

1. ТБММ таркибдаги АБММ хотира омборларида ахборотлар ҳажми, хотиралардаги “бўш” майдонларнинг ҳажмлари ва телекоммуникация тармоғи алоқа каналларининг ўтказиш қобилияти, ахборотларга келган сўровлар интенсивликлари аниқланилади.


2. Алоқа каналларининг ва хотира дискларининг юкланганлик даражаси ҳисобланилади.

3. 1 чи ва 2 чи операторларнинг натижалари асосида репликация амалга ошириладиган нукталар аниқланилади.

4. Репликация амалга оширилади.

ТБММ инфратузилмасининг ресурсларининг ягона МБТ асосида тақдим этиш масаласи уч босқичли оммавий хизмат кўрсатиш тармоғи назарияси асосида бажарилган.

МБТ сўровларни ТБММ ресурсларига киришида асосий қурилма ҳисобланади. У талаб этилган ресурсларга қараб сўровлар навбатини шакллантиради ва уларга ўрнатилган тартиб бўйича хизмат кўрсатади. Сўров ТБММ воситаларида учта босқичда бажарилади (3-расмга қаранг):



3-расм. ТБММ ресурсларини шакллантириш ва тақдим этиш жараёнларини моделлаштириш алгоритми

1) сўров МБТида қабул қилинади, бажарилиши учун қандай ресурс кераклиги аниқланиб, ТБММ доирасида излаб топилади;

2) ДҚТ тармоғи негизида ҳисобланган виртуал канал ёрдамида сўров ресурси кўрсатилган манзилга узатилади;


3) сўровга ресурс тақдим этилади. Сўровни уч босқичли ОХКТида бажариш учун кетадиган ўртача вақт унинг тизимостиларда кутиш ва бажарилиши учун кетадиган ўртача вақтларининг йиғиндисига тенг, яъни:

$$T = \frac{1}{\gamma} \sum_{i=1}^3 \left[\frac{\rho^i}{1 - \rho^i} \right] = \frac{1}{\gamma} \sum_{i=1}^3 \left[\frac{\lambda_i}{\mu_i - \lambda_i} \right] \quad (11)$$

ТБММнинг даромади D сўровларни бажариш учун сарфланадиган вақтга тесқари пропорционал, $\{D\} = \{1/T\}$ - сўровларни бажариш учун сарфланадиган вақт қанча кам бўлса, белгиланган вақт оралиғида кўпроқ сўровларга хизмат кўрсатилади, бу ўз навбатида ТБММ даромадини ошишига олиб келади.

Диссертациянинг **“Ҳисоблаш эксперименти натижаларини таҳлиллаш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи боби ТБММ марказининг инфратузилмасини шакллантириш ва ресурсларини тақдим этиш алгоритмлари асосида яратилган дастурий таъминотни тавсифлаш, ҳисоблаш эксперименти натижаларини таҳлиллаш ва тадқиқот ишини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган.


Дастур модуллардан таркиб топган бўлиб, бир нечта тизимостилардан иборат. Унинг негизида 12 та АБММ, 13 та коммутатор, 16 та алоқа канали, ДҚТ контроллери ва коммутаторлар орасидаги 13 та ҳимояланган алоқа каналларидан таркиб топган ТБММ тармоғининг шакллантирилган (4-расмга қаранг). Булут контроллери (БК) ва ДҚТ контроллери (К_{ДҚТ}) 7 чи автоном булутли маълумот маркази таркибига ўрнатилган, 12 та АБММ лари 11 та




4 – расм. ТБММ телекоммуникация тармоғининг тузилмаси.

коммутаторга уланган ҳамда иккита коммутаторга (10, 11 сегментлардаги) фақат фойдаланувчи терминаллари уланган.

Ҳар бир коммутаторга фойдаланувчи терминалларидан ташқи трафик оқимлари тушади. Агар талаб этилган ресурс коммутаторга уланган автоном булутли маълумот марказида мавжуд бўлмаса, сўров марказий бошқарув тизимига йўналтирилади, 10, 11-коммутаторларга фақат фойдаланувчи терминаллари боғланганлиги туфайли, уларнинг киришидаги трафик оқимлари тўғридан-тўғри марказий бошқарув тизимига узатилади. 5-расмда ТБММ сўровларини ҳар хил категориялар шароитида бажарилиши учун сарфланадиган вақтнинг юкланганлик даражасига боғлиқлик ҳолати тасвирланган. ТБММ нинг юкланганлик даражаси ҳар хил (ρ_1, ρ_2, ρ_3) бўлганида категориялар сони ошиши оқибатида T нинг қийматини камайиш даражаси 6-расмда келтирилган.




5-расм. ТБММ ҳисоблаш ресурсларини тақдим этиш $T=F(\rho)$ диаграммаси



6-расм. Сўровлар бажарилишини категорияларга боғлиқлигини $T=F(k)$ кўрсатадиган диаграмма.

ТБММ ҳисоблаш ва ахборот ресурсларига келган сўровларга хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган вақтга боғлиқлик ҳолати 7-расмда келтирилган.



$x_p + a_p$ – ТБММ ҳисоблаш ва ахборот сўровларига хизмат кўрсатилади;
 x_p – ТБММ фақат ҳисоблаш сўровларига хизмат кўрсатилади.

7-расм. ТБММ ҳисоблаш ва ахборот ресурсларини тақдим этиш $T=F(x_p, a_p)$ диаграммаси.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларининг таҳлили, шакллантирилган ТБММ инфратузилмасининг ресурсларини $K=7$ га негизда виртуаллаштириш ва тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага олиб келди. Диссертацияда тадқиқот натижаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

“Тақсимланган булутли маълумот марказининг инфратузилмасини шакллантириш ҳамда ресурсларини тақдим этиш модел ва алгоритмлари” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Тақсимланган булутли маълумот марказида виртуал ресурсларни шакллантириш, марказий бошқарув тизими ёрдамида кенг доирадаги фойдаланувчиларга тақдим этишнинг усул, модел ва алгоритмлари яратилди;

2. Тақсимланган булутли маълумот маркази таркибий қисмлари хусусиятларини ҳисобга олувчи концептуал модел ишлаб чиқилган;

3. Тақсимланган булутли маълумот маркази телекоммуникация тармоғи топологик тузилмаси шакллантирилишининг граф назариясига асосланган усули яратилди;

4. Маълумот марказининг турли нуқталардаги серверларига олдиндан чекланган қувватлардаги виртуал ҳисоблаш ресурсларини жойлаштириш усули ишлаб чиқилди, натижада ресурсларни шакллантириш ва тақдим этиш вақти 10-11 % гача камашийга, тармоқ ичида маълумот узатиш тезлиги 11-12 % оширишгача эришилди;

5. Тақсимланган булутли маълумот маркази сегментларида ахборот сақлаш жараёнларининг ишончилигини ошириш имконини берувчи, репликация усули асосида хотира омборларига жойлаштириш алгоритми ишлаб чиқилди натижада марказ ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги 1.12 марта унумли фойдаланишга эришилган;

6. Тақсимланган булутли маълумот марказининг дислокацияланган ресурсларини тақдим этиш жараёнларининг оптималлаштириш ҳамда тақсимланган булутли маълумот маркази сўровларига минимал вақтда хизмат кўрсатиш модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилди натижада фойдаланувчиларнинг сўровларини тақсимланган булутли маълумот марказида бўлиш вақтини 9-11 % гача камайишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

АБДУЛЛАЕВ МИРЖАМОЛ МИРКАМИЛОВИЧ

**МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ
РАСПРЕДЕЛЕННОГО ОБЛАЧНОГО ДАТА ЦЕНТРА И
ПРЕДСТАВЛЕНИЯ ЕЁ РЕСУРСОВ**

**05.04.01 – Телекоммуникационные и компьютерные системы, сети и устройства
телекоммуникации. Распределение информации**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.4.PhD/T2392.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Хужаматов Халимжон Эргашевич доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент
Официальные оппоненты:	Сагатов Миразиз Варисович доктор технических наук (DSc), профессор Парсиев Саидахат Солиходжаевич доктор технических наук (DSc), доцент
Ведущая организация:	Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится « 8 » июля 2022 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.30/12.2019.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий. (зарегистрировано № 245). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-44).

Автореферат диссертации разослан « 27 » июня 2022 года.
(протокол рассылки № 4 от « 25 » июня 2022 года)



Б.Ш. Махкамов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.э.н., профессор

Э.Ш. Назирова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

М.М. Мухитдинов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в условиях стремительного развития инфокоммуникационных и облачных вычислительных технологий большое внимание уделяется эффективному распределению вычислительных ресурсов и ресурсов памяти центров обработки данных, расположенных в разных географических точках. В этом направлении особое внимание уделяется формированию сетевой структуры распределенного облачного центра обработки данных, развертыванию информационных и виртуальных вычислительных ресурсов на базе физических мощностей, разработке методов, программно-аппаратных средств для их предоставления в централизованной сети в соответствии со спросом. В связи с этим, одной из важнейших задач является построение инфраструктуры и ресурсов распределенного облачного центра обработки данных в развитых странах, в частности, в США, государствах-членах Европейского Союза, Индии, Канаде и Российской Федерации.

В мире ведется ряд научных исследований по разработке моделей, методов и алгоритмов снижения задержек при передаче и обработке информации в глобальных телекоммуникационных сетях. В этой области особое внимание уделяется разработке модели централизованного управления дислоцированными ресурсами распределенного облачного центра обработки данных, метода создания топологической структуры программно-конфигурируемой сети посредством теории графов и алгоритмов распределения данных по сегментам памяти путем репликации информационных ресурсов. При этом актуальными являются вопросы разработки алгоритмов и программного обеспечения для эффективного обслуживания запросов пользователей за счет предварительного предоставления ресурсов распределенного облачного центра обработки данных.

В Республике проводилось и ведется множество научных исследований по новым подходам к повышению эффективности центров обработки данных, сокращению времени обработки запросов в дата центрах, в том числе хранения, высокоскоростной и качественной обработки, передачи различных видов и объемов информации средствами информационно-коммуникационных технологий. Указом Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2020 года № ПФ-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» определены такие задачи, как «.. изучение и применение на практике возможностей... анализа больших данных и облачного вычисления»¹. Реализация данных задач, в частности, обработка различных видов и объемов информации в автономных облачных дата центрах распределенного облачного дата центра, качественная обработка передача данных в телекоммуникационную сеть.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2020 года № УП-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 апреля 2020 года №ПП-4699 «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства», а также другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертация выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Инфраструктура хранения данных в распределенных облачных дата центрах поддерживает различные уровни по хранению и представлению данных пользователям и формирует новую архитектуру территориально распределенных систем хранения данных. Множество исследований посвящено созданию инфраструктуры облачного дата центра обработки и хранения данных, изучению показателей, определяющих их эффективность, проводятся обширные исследования по изучению и оценке параметров, характеризующих образование, эффективность и функциональность ресурсов.

В научных работах таких ученых как A.S.Tanenbaum², A.В.Бобченков³, A.И.Воробьев⁴, A.С.Ворожцов, Н.В.Тутова⁵, В.И.Волчихин⁶, J.Fortes⁷, Т.Н.Нишанбаев⁸, У.Б.Амирсаидов, Н.Б.Усманова⁹, Х.Э.Хужаматов¹⁰ и других

² Tanenbaum A.S. Distributed Systems // 3rd edition. Version 3.02. — CreateSpace Independent Publishing Platform, 2017. — 596 p.

³ Бобченков А.В. Разработка модели и методов управления ресурсами в виртуальных организациях распределенных вычислительных сред // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. Специальность: 05.13.15 - Вычислительные машины, комплексы и компьютерные сети. Москва, 2011.

⁴ Воробьев А. И. Модели и методы повышения эффективности предоставления информационных услуг в центрах обработки данных // Специальность: 05.13.01 – системный анализ, управление и обработка информации (технические системы). Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук. Санкт-Петербург – 2012.

⁵ Ворожцов А.С., Тутова Н.В., Тутов А.В. Оценка производительности облачных центров обработки данных //Т-Comm: Телекоммуникации и транспорт. – 2014. –№5. – С.69-71.

⁶ Волчихин В. И., Зинкин С. А., Карамышева Н. С. Организация функционирования облачно-сетевых распределенных вычислительных систем с архитектурой «агенты как сервисы» Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Технические науки. – 2019. – № 4 (52). – С. 27–50. – DOI 10.21685/2072-3059-2019-4-3.

